

**АЛИШЕР НАВОЙИ НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН  
МИЛЛИЙ КУТУБХОНАСИ**

**ТОМЧИ СУВДА ҲАЁТ ЖИЛВАСИ**

**АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН  
МИЛЛИЙ КУТУБХОНАСИ**

**ТОМЧИ СУВДА ҲАЁТ ЖИЛВАСИ**

Методик-библиографик қўлланма

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси  
нашриёти

Тошкент – 2006

**78.342**

**T 65**

Илмий-методик бўлим томонидан тайёрланди

*Тузувчи*

*Н.Алаутдинова*

*Муҳаррир*

*Ҳ.Маматраимова*

*Масъул муҳаррир*

*О.Қиличбоев*

*Матн терувчи*

*З.Жалилова*

Томчи сувда ҳаёт жилваси: Метод.-библиогр.  
қўлл. / Алишер Навоий ном. Ўзбекистон Миллий к-наси;  
Тузувчи Н.Алаутдинова; Муҳаррир Ҳ.Маматраимова;  
Масъул муҳаррир О.Қиличбоев.-Т.: Алишер Навоий ном.  
Ўзбекистон Миллий к-наси нашриёти, 2006.-36 б.

**КБК 78.342+26.22**

Ушбу методик-библиографик қўлланма 22 март Бутун-жаҳон сув кунига бағишланган бўлиб, қўлланмада сайёрамизда мавжуд бўлган сувлар, тоза ичимлик суви, сув эъзози, сувни тежаш, сувнинг ўзбеклар ҳаётидаги ўрни ҳақидаги маълумотлар ва уларни тарғиб қилишда ахборот-кутубхона, ахборот-ресурс марказларида ўтказиш мумкин бўлган тадбирлар туркуми ҳамда адабиётлар рўйхати берилган.

Қўлланмадан кутубхоначи ходимлар ва кенг китобхонлар оммаси фойдаланишлари мумкин.

© Алишер Навоий номидаги  
Ўзбекистон Миллий кутубхонаси  
нашриёти, 2006 й.

## Муқаддима

*Гулоб шарбатини тўйиб ичсанг ҳам,  
Сувсиз ташналигинг асло бўлмас кам.  
Ҳ.Деҳлавий*

Сувсиз ҳаёт йўқ. Буни ҳаммамиз биламиз. Сув билан табиат жонланади, ҳаёт ниш уради, яшашга ошиқади, куч қувватга киради. Ҳаёт жилваланади.

Сув Оллоҳ берган неъмат. Сувни боболаримиз эъзозлаганлар. Сув ҳамиша табиатнинг асосий унсури деб қаралган.

“Сувга супринди ташлама”, “Сувга тупурма”, “Қудукқа тош ташлама”, деган гапларга кишилар риоя этганлар.

Оқар сув бошида яшайдиганлар асал ичади, сув охирида яшайдиганлар захар ичади деган гаплар бежиз айтилмаган.

Ўзбек халқи учун сув доимо муқаддас саналган. Ноннинг ушоғи ҳам нон бўлганидек, сувнинг томчиси ҳам сувдир. Сувнинг бу дунёда муқаддаслиги, азизлиги рост. Ҳеч биримиз инкор қилмаймиз. Ислом тарихига оид китобларда ёзилишича, охиратда Оллоҳдан назари тушган бандаларига куч-қувват бахш этиш учун аввал Ҳавзи кавсардан сув тутилар экан. Гуноҳкорларга бу сувнинг бир томчиси ҳам насиб бўлмайди. Демак, сув бу дунёда ҳам, у дунёда ҳам азиз, муқаддас экан.

Бизнинг халқимизда сув шунчаки “ҳаётий муҳим модда”, шунчаки “ресурс” эмас, балки аввало улуғ қадриятдир.

Умумбашарий қадриятларимизга мувофиқ қадимда Наврўзнинг биринчи ўн кунлиги сув байрами сифатида нишонланар экан.

Ҳозирги кунда биз ҳам сув кунларини байрам қилсак, турли тадбирлар ўтказсак мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Тадбирлар ўтказиш фикрини Ижтимоий фикр маркази томонидан 2002 йилда ўтказилган сўров-тадқиқотда иштирок этиб, саволларга жавоб берган ёшларнинг (респондентлар) 28,1 фоизи ҳам билдирганлар.

Бундай байрам тадбирлари, сув кунларини ахборот-кутубхона, ахборот ресурс марказларида уюштириш анъанага айланса фойдадан холи бўлмаслигига шубҳа йўқ.

Кутубхоналарнинг вазифаси китобхонларга сувнинг мукаддаслиги, унинг халқимиз ҳаётида тутган ўрни ва аҳамияти, сув тарбияси, сув маданияти, унинг кадр-қимматини тарғиб этишдан иборат.

Бу ишда ахборот-кутубхона, ахборот-ресурс марказлари адабиётлар тарғиботининг китоб-тақдироти, конференция, савол-жавоб кечалари, давра суҳбати, билимдонлар беллашуви, мавзули ва мунозара кечалари, учрашув кечаси, китоб кўргазмаси сингари турли-туман усулларидадан фойдаланишлари мумкин.

Бундай тадбирлар туркумини ташкил этишда Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Давлат геология ва минерал ресурслар давлат қўмитаси, “Саноатконтехназорат” агентлиги, “Бошгидромет”, Соғлиқни сақлаш вазирлиги вакиллари, журналистлар, дин вакиллари жалб қилиш мумкин.

Ушбу методик-библиографик қўлланмада бебаҳо неъматимиз бўлмиш сув ҳақида етарлича маълумот беришга ҳаракат қилинди ва кутубхоналарда ўтказиш мумкин бўлган тадбирларнинг айрим шакллари кўриб чиқилди.

### **Инсон ва сув**

Сув табиатнинг энг ноёб, нодир ҳамда бебаҳо бойликларидан бир ҳисобланади. У бутун тирик жонзот, инсон, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси учун ҳаёт, яшаш манбаидир. Сув табиий атроф-муҳит мувозанатини сақлаб, уни

мўътадил ҳолатда ушлаб турувчи асосий омил ролини ўйнайди. Шунингдек, сув халқ хўжалиги, саноат, қишлоқ хўжалиги, ишлаб чиқаришда асосий воситалардан биридир. Мамлакатимиз суғориладиган деҳқончиликка эга бўлиб, бунда сув муҳим роль ўйнайди.

Сув ҳаётимизнинг мазмуни, умримизнинг бир бўлагидир. Сайёрамизда сув пайдо бўлганидан кейингина ҳаёт пайдо бўлган. Шу сабабдан ота-боболаримиз сувни тоза сақлашга, ундан оқилона фойдаланишга алоҳида эътибор берганлар.

Дарвоқе, сув инсоннинг нафақат нафсини, чанқоғини қондиришга, балки уни поклаш учун, иймонини, эътиқодини мустаҳкам сақлаш учун ҳам зарур табиий воситалардан биридир. Сув беҳад катта қудратга эга. У энг митти гиёҳдан тортиб, жамики жонзотга ҳаёт бахш этади. Бизга қувонч, яхши кайфият бағишлайдиган турфа гуллардан тортиб, боғроғлар, полиз экинлари сув билан тирик.

Тарихшунос олим С.А.Семеновнинг хулосасига кўра қадимги цивилизация ўчоқларида (Миср, Месопотамия, Хитой, Ҳиндистон, Марказий Осиё) бирон бир қабила, миллат, ёки давлатни босиб олиш учун авваламбор уларни сувсиз қолдирганлар. Бунинг учун душманлар дарё, канал ёки ариқларда ўрнатилган сув иншоотларидан фойдаланганлар, яъни улар орқали сувни тўхтатиб қўйганлар, аҳоли пунктига оқётган сувни бошқа жойларга буриб қишлоқ ёки шаҳарларни сувга бостириб юборганлар. Ҳозирги кунда ҳам, айниқса иссиқ ва суғорма деҳқончилик тарқалган ўлкаларда, сув иншоотлари миллат ва давлат хавфсизлигини таъминлаб турувчи омил сифатида қаралади. “Сув учун кураш ҳаёт учун кураш” деб бежиз айтишмаган.

Зеро, инсоният ҳаёти давом этиши учун одамлар сувни, ердаги сув манбаларини, аввало тоза сувни эҳтиёт қилишлари лозим.

Сув табиатда кенг тарқалган, ер юзининг қарийб 3/4 қисмини ташкил қилади. Гидросфера умумий ҳажмининг қарийб 94 фоизи океан ва денгизлардир; 4 фоизи ер ости сувларига, 2 фоизи муз ва қорларга (асосан, Арктика, Антарктида ва Гренландия), 0,4 фоизи қуруқликдаги сувларга (дарёлар, кўллар, ботқоқликларга) тўғри келади. Атмосфера ва организмларда ҳам сув бор. Ер юзасига бир йилда ёғадиган ёғин миқдори қуруқлик ва океанлар юзасидан буғланадиган сув миқдорига тенгдир.

Сувнинг кенг тарқалганлиги ва унинг инсонлар ҳаётидаги аҳамияти катталиги туфайли қадимдан ҳаёт манбаи ҳисобланади. Қадимги дунё файласуфлари фикрича, сув тириклик учун зарур бўлган 4 унсурнинг биридир (олов, ҳаво, тупроқ қатори).

Жумладан, тарихий-адабиёт ёдгорлигимиз бўлмиш Авестода сувга алоҳида муносабат билдирилган. Тоза сув билан боғлиқ кўл, қудуқ ва булоқларга ҳар қандай нопок нарсалар яқинлашмаслиги керак, деб ҳисобланган. “Покиза сув ва ёниб турган олов қаршисида гуноҳлик қилган зотнинг дўзахда топгуси жазоси бу дунёнинг жамийки дарду озорларидан мудҳишдир”... (“Вандидод”, 4-фарғард, 54-банд) деб огоҳлантирилган.

Муқаддас Қуръони Каримда ҳам сув билан боғлиқ оятлар келтирилади. “Сизлар ўзларингиз ичадиган сув ҳақида ҳеч ўйлаб кўрдингизми?” (Воқиъа сураси)... барча жонли мавжудотни сувдан (пайдо) қилганимизни кўрмадингларми?” (Анбиё сураси).

XX аср охирига келиб инсоният олдида сув тақчиллиги муаммоси пайдо бўлди. БМТ томонидан келажакда инсониятни тоза сув билан таъминлаш муаммоларига бағишланган Сув ресурслари бўйича 3-жаҳон форуми ўтказилди (2003, Киото). 2003 йил Халқаро тоза сув йили деб эълон қилинди. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг “Атроф-муҳит муҳофазаси” дастури (ЮНЕП) маълумот-

ларига кўра сайёрамиздаги дарёларнинг ярми жиддий ифлосланган. Ер шари аҳолисининг 40 фоизи тоза ичимлик суви етишмаслигидан азият чекмоқда. Яна 30 йилдан сўнг тоза ичимлик суви танқис ресурс бўлиб қолиши мумкин. Ҳар йили тоза ичимлик суви танқислиги туфайли 1,2 млн. киши турли хил хасталикларга дучор бўлмоқда. Атом энергияси бўйича халқаро агентлик (МАГАТЕ) маълумотига кўра, ҳар йили 5 млн. киши ифлосланган ва сифатсиз сувдан истеъмол қилишга мажбур бўлмоқда.

Бундай шароитда сув захираларидан тежамли оқилона, самарали, илм-фан тавсиялари асосида фойдаланиш ва унинг муҳофазасини тўғри таъминлаш бугунги куннинг биринчи даражали вазифаларидан биридир.

Ўзбекистон МДХ давлатлари орасида биринчилардан бўлиб “Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида”ги миллий қонунни қабул қилди. Ушбу қонун 29 боб, 119 моддадан иборат. Ўзбекистон Республикасида сувга оид муносабатлар ушбу қонун ҳамда унга мувофиқ чиқариладиган сув тўғрисидаги бошқа қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади.

### **Тома-тома кўл бўлур**

Ҳаётнинг бир ҳақиқати бор: Ким нимани хор қилса, ўшанга зор бўлади. Айниқса сувни исроф қилиб бўлмайди. Сув – бу сайёрамизнинг асосий табиий бойлиги ҳисобланади. Сувни биз ичамиз, кундалик эҳтиёжларимиз учун ишлатамиз, лекин ҳозирги вақтда ичимлик сувининг дунё бўйича танқислигини хаёлимизга келтирмаймиз.

Одам оч қолса бир амаллаб уни тўйдириш мумкин. Ташна бўлса-чи? Ташналикнинг, сувсизликнинг ўрнини ҳеч нарса боса олмайди. Бугунги кунимизга назар ташласак: биров сувни зар деб билса, яна биров уни бебилиска сарф қилади. Ичимлик суви жўмрақларидан сув тўхтамай оқиб ётса ҳам, ювиниш ва кир ювишда истеъмолга яроқли сувни

хаддан зиёд ишлатса ҳам биров “Ҳой, сувни бекорга сарфлама, увол қилма, тўхтатиб қўй” демайди.

Тежашни сувнинг қатрасидан бошламоқ керак. “Қатра-қатра йиғилиб дарё бўлур” ёки “Тома-тома кўл бўлур”, деб халқимиз бежизга айтмаган.

Минг йиллар давомида сув ўзбек халқи учун фақат моддий фаровонлик омили бўлибгина қолмай, айти чоғда маънавий юксаклик тимсоли ҳам бўлиб қолди. Тарихий ва маданий кадриятлар билан бир қаторда халқимизнинг ўзига хос анъаналари, хусусан, сувдан тежаб-тергаб фойдаланиш борасидаги тажрибалари ҳам авлоддан-авлодга мерос бўлиб қолди.

Йирик давлат арбоби, буюк саркарда, дилбар шоир, забардаст тарихчи Заҳириддин Муҳаммад Бобур ўзининг “Китобу-с салат” рисоласида сувни тежаш, уни эҳтиётлаб сарфлаш ҳақида жуда таъсирли, насихатомуз шеърлар битган.

Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорийнинг, “Ал-Жомий ас-саҳих” (“Ишонarli тўплам”) деб номланган 4 жилдлик ҳадислар тўпламида келтирилишича, Расуллоҳ (саллалоҳу алайҳи ва саллам) сувни жуда тежаб ишлатганлар.

Ўтмишда ота-боболаримиз ариқ ва анҳорлардаги оқар сувни истеъмол қилишарди, чунки ўзанлардан ичишга ярайдиган топ-тоза сув оқар эди. Ҳозирги кунда эса баъзиларимиз хонадон чиқиндилари, ахлатларни тўғридан-тўғри Анҳорга, оқар сувларга ағдарамиз. Ўз-ўзидан маълумки, бундай ариқлардаги сувга кўл ювишга ҳам ботинолмаймиз. Чунки бундай сув ниҳоятда ифлосланган ва унда касаллик тарқатувчи микроблар мавжуд.

Фахриддин Гургоний ўз давридаёқ сувларни ифлос қилмаслик ҳақида ўта таъсирли, фойдали фикрлар билдириб, шундай мисралар ёзиб қолдирган эди:

*Бугун чашма сувин қилсанг агар хор,  
Бошқа ичолмассан бу сувдан зинҳор.*

Баъзан “сабр косаси” тўлган сув биз одамлардан росмана ўч олаётганга ўхшайди. Турли ичак касалликлари, қичишма, тошма, ўсимта, жигар касалликлари, сув аллергияси... Хуллас сувнинг ифлосланиши натижасида келиб чиқадиган касалликлар ортиб бормоқда. Буни тиббиёт ташхислари ҳам тасдиқлаяпти.

Тошкентнинг ҳозирги Шайхонтоҳур туманидаги Чорсу меҳмонхонаси ўрнида қачонлардир “Уккоша” булоғи тинмай қайнаб ётар эди. Энди у йўқ, кўзига тупроқ тортилган. “Уккоша” булоғининг кўзи ёпилиб, суви чиқмай қолганлиги ёмон, аммо фожиа эмас. Улкан Орол денгизининг қуриши эса фожиа.

Кўпчилик ҳозирги вақтда Орол денгизи муаммоси сув манбаларининг танқислиги натижасида рўй берди, деб ҳисоблайди. Тўғри, янги ерларнинг кенг миқёсда ўзлаштирилиши, саноатнинг жадал ривожланиши, янги коллектор ва каналларнинг қазилиши ҳам бу муаммо сабабчиси, албатта. Лекин биринчи навбатда бу инқироз сувдан самарасиз фойдаланиш, ҳаддан зиёд сув исрофгарчилигига йўл қўйиш оқибати, десак янглишмаган бўламиз.

Сув – ҳаёт манбаи, уни увол қилишга ҳаққимиз йўқ. Унинг ҳар томчисини авайласакгина юртимизни тўкин сочинлик, ҳаётимизни фаровонлик тарк этмайди.

### **Биласизми?**

- Ер сайёрасининг 70 фоизи сув билан қопланган, ана шу сувнинг атиги 2,5 фоизини чучук сувлар ташкил этади. Қолган сувлар ер ости сувлари бўлиб, тупроқнинг намланишига хизмат қилади. Натижада инсонлар дунёдаги чучук сувнинг 1 фоизидан ҳам кам миқдоридан фойдаланадилар.

- Дунёда жамики касалликларнинг 80 фоизи санитария-гигиена шароити ҳамда сув ифлосланиши туфайли содир бўлмоқда.

- Инсон организмнинг 70 фоизи сувдан ташкил топган бўлиб, кўзнинг эса 97 фоизи сувдан иборат экан.

- Инсон овқатсиз 30 кун ҳаёт кечириши мумкин, лекин сувсиз 1 ҳафта ҳам яшай олмас экан.

- Лондонда бир киши кун давомида 170 л., Парижда 160 л., Брюсселда 85 л., бизнинг Тошкент шаҳрида эса 370 л. сув сарфлайди.

- Тоза сув захирасининг 70 фоизидан кўпи қишлоқ хўжалиги мақсадларида фойдаланилади.

- 1960 йилдан бошлаб суғориш учун ишлатиладиган сув миқдори 60 фоизга кўпайди.

- Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш учун катта миқдорда сув талаб қилинади. Масалан, 1 кг. гуруч етиштириш учун 1 куб. литрдан 3 куб. литргача сув талаб қилинади, 1 тонна дон етиштириш учун 1000 тонна сув керак бўлади.

- Ўзбекистонда сув ресурсларининг 90 фоизи суғорма деҳқончиликка сарфланади ва 1 гектар майдонни суғориш учун ўртача 12,5 минг куб метр (Исроилда 5,6 минг куб метр) сув сарфланади.

- Шуни билингки 1 дақиқа очиқ қолган водопровод жўмрагидан 15 литр сув бекорга оқиб тушади.

- Ўзбекистонда минерал сувлар аксарият ҳолларда 50-100 метр чуқурликда жойлашган. Мутахассисларнинг маълумотларига кўра, минерал сув тепага кўтарилиши давомида гравитацион, биологик, энергетик кучлар таъсирида одам организми учун зарур бўлган элементлар билан бойийди. Шунинг учун халқаро соғлиқни сақлаш ташкилоти тоза ичимлик суви манбаи сифатида ер ости сувларини маъқул топади.

### **Хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг**

Бир гуруҳ Нобель мукофотида сазовор бўлган олимлар сув билан боғлиқ тадқиқот олиб бордилар, улар томонидан тоза, бир хил сувга турлича таъсир ўтказилди.

Масалан, ҳар хил мусиқа, шовқин, ранг, ёруғлик ва ҳоказо. Таъсирлар турлича давомийликда ўтказилгандан сўнг сув бир хил шароитда музлатилган. Натижада бир тоифадаги сув бир-бирига ўхшамаган кристаллар ҳосил қилгани аниқланган.

Албатта, шароит, ташқи муҳит (ҳарорат, намлик, босим) ўзгариши билан кристалланиш жараёнининг бошқачароқ кечиши фанда маълум. Аммо сувнинг ҳаётимизда ҳар доим бўладиган воқеалар, шовқин-суронлар, мусикалар билан боғлиқ эканлиги ва шу асосда таъсирланиши мумкинлиги ақл бовар қилмайдиган мўъжиза. Наҳотки, сув ярим ўтказгичлар сингари ахборотларни саралайди, эслаб қолади ва таъсирланади, жараёнга акс таъсир эта олади?

Илгари аждодларимиз “Тушингни сувга айт”, “Сувга тупурма, супурма” деб кўп гапиришар эди. Бу қандай ҳислатки, Аллоҳ яратган табиат ва сувнинг ўзига яраша ҳимояланиши ва таъсирланиши каби қонуниятга асосланган кучи бор?! Муз кристалларининг кўп хилини кузатганда кўрганмиз ва бу жараён шундай бўлиши керак, деб хулоса қилганмиз.

Энди сувнинг тузилиши ҳақида фанда маълум жиҳатларни эслайлик. Сув иккита водород атомининг кислород билан боғланишидан ҳосил бўлган бурчак ҳарорат таъсирида ўзгариб туради: музлаганда тораяди, иситилганда кенгаяди. Кимёгарлар фикрича, бирикма қанчалик оддий бўлса, унинг устида илмий-тадқиқот ишлари олиб бориш, молекуланинг таъсирланиш доирасини аниқлаш шунча осон. Аммо оддий сувнинг бу қадар кўп хислатлари ва хусусиятлари борлигидан илк бора воқиф бўляпмиз.

Энди сувнинг “эслаб қолиш” хислатига эътибор берсак. Атрофимизда бўлаётган воқеалар, шовқин-суронлар, тебранишлар алоҳида частота билан тарқалади ва сувга таъсир кўрсатади. Инсонга сезиладиган энергетик (фотонлар) таъсир натижасида сув қизиши ёки совиши, ранги ўзгариши мумкин.

Инсон организмнинг 70 фоизини, мева-сабзавот ва полиз экинларининг 90-97 фоизини сув ташкил қилади. Модда, аралашмалар, қотишмалар ичида қандай бирикма кўп бўлса, унинг бажариши лозим бўлган функцияси кўпроқ бўлиши ҳаммамизга аён. Демак, сувни инсон организмни бошқарувчи энг катта ҳажмга эга бўлган ягона табиий бирикма, деб айтиш мумкин.

Шундай экан, биз ҳаётимизда уни ўз соғлигимизни яхшилаш мақсадида ишлатишимиз ва бошқаришимиз зарур. Тушимизни сувга айтганимизда, у кўз билан берилган ёки сўз билан айтилган тебраниш частоталарини ютади ва олиб кетади, биз эса енгил тортгандай бўламиз, ташвишдан халос бўлгандай ҳис қиламиз.

Бу сувнинг ҳаётбахш ва шифобахшлигининг яна бир далолати.

### **Тарих доно муаллим**

- Ҳиндистондаги қадимги шаҳарлардан бири Мохенжо-Дародаги харобалар текширилганда диаметри 0,5 метрдан 2,5 метргача келадиган қудуқ топилган.

- Римда сувнинг янги манбалари ҳақида мунтазам қайғуришган. 312 йилда шаҳарга 16,5 км узоқдаги тоза сув манбаларидан водопровод ўтказилган.

- Афинада эрамиздан олдинги VI асрдаёқ қудуқ сувидан фойдаланиш тартибини белгиловчи қонун чиқарилган.

- Перуда “Сувхудоси” ибодатхонаси топилган. Унда фонтан ва каналлар бўлган. Улар ибодатхона яқинидаги шаршара суви билан тўлдирилган.

- Қадимги Мисрда ер ости сувларини жуда чуқур қудуқлар қазиб, оддий механизм билан чиқаришган. Бунда сопол, ёғоч, металл (мис ва қўрғошин) қувурларидан фойдаланишган.

- Сирдарё ва Амударё этакларида, милoddан аввалги 8-7 асрлардан бошлаб, аҳоли суғорма дехқончилик қилганининг археологик далиллари мавжуд.

- Амир Темур ва Темурийлар замонида ариқ ва дарёларга, аҳоли сув ичадиган ҳавзаларга юқори даражада эътибор берилган. Соҳибқироннинг буйруқлари билан нафақат ўз юртимизда, балки Афғонистоннинг Мурғоб, Озарбайжоннинг Байлақон мавзеларида, Қорабоғда катта сув иншоотлари барпо этилган.

## Ўзбек халқ мақолларидан

Сув тиласанг, Сулаймондан тила.

\* \* \*

Сувсаганга сув сароб бўлиб кўринар.

\* \* \*

Ташнанинг тушига сув кирар.

\* \* \*

Томчи сувда тол кўқарар.

\* \* \*

Сув – олтиндан азиз.

\* \* \*

Сув - зар, сувчи - заргар.

\* \* \*

Ой сулуви – нур, сой сулуви – сув.

\* \* \*

Сувнинг қатраси – офтобнинг зарраси.

\* \* \*

Эл ҳаёти ер билан, ер ҳаёти сув билан.

\* \* \*

Сув – ғўзанинг жони, ўғит – унинг дармони.

\* \* \*

Сувсиз – ер мозор, сувли – ер гулзор.

\* \* \*

Сувсиз ерга қуш қўнмас, ўтсиз ерга юрт қўнмас.

\* \* \*

Сув келтирар мард киши, экин экар ҳар киши.

## Ўзбекистон миллий энциклопедияси саҳифалари

### сув ҳақида

Сув – водород оксид,  $H_2O$  – водород (11,19%) ва кислород (88,81%)дан иборат энг содда кимёвий бирикма. Сув рангсиз, ҳидсиз суюқлик (қалин қатламда зангори рангли) ернинг геологик тузилиши тарихи ва унда ҳаётнинг пайдо бўлиши, физик ва кимёвий муҳит, иқлим ва об-ҳавонинг шаклланишида сув муҳим аҳамиятга эга. Ҳеч қандай тирик организм сувсиз ҳаёт кечира олмайди. Сув кишлок хўжалиги ва саноатдаги барча технологик жараёнларнинг зарурий қисмидир.

\* \* \*

Сув кадастри – мамлакатнинг сув ресурслари тўғрисида тартиблаштирилган маълумотлар мажмуи. Сув кадастри жами сувларнинг миқдор ва сифат тавсифлари бўйича ҳисобга олиш маълумотларини, шунингдек, сувдан фойдаланишни қайд қилиш ва ҳисобга олиш маълумотларини ўз ичига олади. Сувлардан самарали фойдаланишни ва уни муҳофаза қилиш сув кадастрини юритишнинг асосий мақсади ҳисобланади.

\* \* \*

Ўзбекистон Фанлар Академияси Сув муаммолари илмий тадқиқот институти – йирик тадқиқот муассасаси, Тошкент шаҳрида жойлашган. 1991 йил 20 июлда ташкил этилган. Институт таркибида 6 илмий лаборатория (сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш методикаси; сувни тежаш ва суғориш технологияси; чўл сув ресурслари; гидрогеология ва гидротехника; гидрокимё ва сувни тозалаш; гидроэкология ва гидрокимёвий мелиораторлар) бор.

Институтда Орол ҳавзасидаги экологик вазиятнинг кескинлашуви шароитида сув ресурсларини ҳимоя қилиш ва ундан фойдаланишнинг илмий асослари, экинларни суғоришнинг тежамкор технологиялари, жумладан, экинларни томчилаб суғориш, эгатда поғоналаб суғориш усуллари,

дарё ўзанларида рўй берадиган деформацион жараёнларни космосдан олинган фотосуратларга қараб аниқлаш усули ва бошқалар яратилди.

\* \* \*

Сув омбори – тўғонлар ёрдамида сувни йиғиш ва сақлаш учун қуриладиган сунъий сув ҳавзаси. Комплекс фойдаланишга мўлжалланган. Сув омбори халқ хўжалигидаги бир қанча тармоқлар (суғориш, сув таъминоти, электр энергияси, кемачилик, балиқчилик, тошқинларга қарши курашиш ва ҳ.к.) эҳтиёжини қондиради.

Ўрта Осиё ҳудудида сув омборлари, асосан, экинзорларни суғориш, энергетика ва сув таъминотини яхшилаш учун қурилади.

Сув омборлари қурилиши натижасида Ўзбекистонда 4,3 млн.дан ортиқ ерда суғорма деҳқончилик қилиш, сув ресурсларидан гидротехника ва балиқчилик мақсадларида янада кенгроқ фойдаланиш имкониятлари яратилди.

\* \* \*

Сув ресурслари – фойдаланиш учун яроқли бўлган ер усти, ер ости сувлари ва тупроқдаги нам захиралари сув ресурсларининг асрий (ер усти қатламлари, қутб ва баланд тоғ музликлари, йирик кўлларда тўпланган чучук сувлар) ва қайта тикланадиган (дарё оқимлари, ер ости сувларининг ўзгарувчан ва динамик захиралари, кўллар ҳажмининг бир қисми ва бошқалар) турларига бўлинади. Сув ресурси деганда сув объектлари дарё, кўл, денгизлар ҳам тушунилади, чунки улардан кема қатнови, гидротехника, балиқ хўжалиги, дам олиш, туризм ва бошқа мақсадларда фойдаланилади.

Ўрта Осиёда сув ресурслари асосан, дарё оқимлари ва ер ости сувларининг динамик захиралари (тикланадиган ресурслар), шунингдек, тоғлардаги музликлар ва кўлларнинг асрий сув захираларидан ташкил топади.

\* \* \*

Сувни зарарсизлантириш – аҳолини етарли ва сифатли ичимлик суви билан таъминлаш ҳамда инсон саломатлигига зиён етказмаслик мақсадида хўжаликда ишлатиладиган ва ичимлик сувни микроорганизмлардан тозалаш. Сувни зарарсизлантириш кимёвий ва физик усуллар ёрдамида амалга оширилади.

Физик усулларга қайнатиш, ультра бинафша нурлар, гамма нурлари ва ультратовушлар ёрдамида зарарсизлантириш киради. Қайнатиш сувни зарарсизлантиришнинг муҳим усулларида бўлиб, бу жараёнда сувдаги барча микроорганизмлар ўлади ва сувнинг табиий мазаси бузилмайди. Лекин кўп миқдордаги сувни қайнатиш имкони йўқ, шу сабабли барча мамлакатларда водопровод сувлари хлорлаб зарарсизлантирилади.

### **Таниқли адиб Александр Файнбергнинг сувнинг хаётдаги аҳамияти ақс эттирилган асаридан парча**

#### **Чиғирнинг тушлари**

Ҳилол ёғдуси. Бир оз титраб, кенг ҳовлига тушади, қуёшга қаратиб солинган айвонни ёритади. Томорқа четидан оқиб ўтган ариқ ёқасида эса каттакон ёғоч ғилдирак айланади. Бу чиғир.

У ўзининг гирдига айлангириб боғланган хумдек челақлари билан улкан ариқдан сув чиқаради. Обдови пастига йўналтирилган новдан полиз экинларининг жўяқларига, деворнинг нарёғидан далаларга  $H_2O$  оқади. Ер сув ичади. Тун ярмидан ошганда чиғир тўхтади. Фалакдаги ҳилолдан унинг уйқусига тушлар энади.

\* \* \*

Ечими мушкул сув муаммоси. Оҳ ечими мушкул!  
Унда ойнадаги каби одамларнинг қалби акс этади.

Ўзини машхур шоир деб билувчи танишларимдан бири “темир панжаралар” даврида комсомол ходими сифатида турли мамлакатларга сайр этиб юради. У саёҳатчилар автобусида Адриатика томонга елар эди. Шуни айтиш керакки, ўша шоир мутахассислиги бўйича врач эди. Худди Чехов мисоли, тушуняпсизми? Тўсатдан ўша автобусда кетаётган саёҳатчи аёллардан бирининг тоби қочиб, аҳволи оғирлашиб қолди. Шуни аниқ биламанки, уни қутқариб қолиш учун сув зарур эди. Бахтга қарши ҳеч кимда бир қултимгина сув топилмади. Ҳайдовчи газни охиригача босди. Аёлнинг ҳаёти хавф остида қолган эди-да. Худога шукр, ҳайдовчи ўз вақтида бир югослав қишлоғигача етиб келди. Қисқаси, аёлни ўзига келтириб олдик. Сўнгра автобус маршрут бўйича ўз йўлида давом этди. Менинг ҳалиги танишим – шоир ва врач – сумкасидан бир шиша идиш чиқариб, қопқоғини очди ва бемалол кока-колани ғўлтиллашиб ича бошлади. Автобусда кетаётганларнинг ҳаммаси унга қараб қотиб қолишди. Бошқалардан олдинроқ ўзига келган кимдир сўқинди:

- Аблах экансан...

- Сиз сув сўрагандингиз-ку, - деди кўк кўзларини милтиллашиб врач-шоир.

Мана сизга H<sub>2</sub>O! Мана сизга Гиппократ қасами! Мана сизга виждон, одамгарчилик ўлчови.

Ҳа, ўлчов.

Ушбу ўлчов туфайли радио ва телевидение дикторларнинг хавотирли овозлари билан тўлмаганми?

“Хитойда тўфон. Одамлар кўчирилмоқда”...

“Тайга ёнмоқда”...

“Ставрополда сув тошқини.... Қудуқларга балчиқ тўлиб қолган.... Ичимлик суви йўқ”...

Эшитмаслик, кўрмаслик мумкин эмас. Сибирда - Венеция. Кўрқувдан ҳурккан сигирлар ортилган чандолалар – қайиқлар. Ҳой Америка, БМТ, Европа, Ҳиндистон – менинг таҳликали дунёим.

Тушуниш қийин сени, Она сайёра!

Қандай гуноҳимиз учун жазоланаяпмиз? Шаҳарлар сувга ғарқ бўлмоқда, ўрмонлар эса, ё Алҳазар, аланга ичида. Ёнғинни ҳеч нарса билан ўчириб бўлмайди. Маҳсус самолётлар етмайди. Бу не ҳол? Етар, бас, Худони безовта қилишга қандай ҳаққим бор? Балки менга ҳам, сенга ҳам, ҳаммамизга ҳам ақлимизни ишлатиб илоҳ инъом этган қудуққа тупуриш мумкин эмаслигини англаш фурсати етганикин? Жанг қилиш керак эмас, ишлаш керак. Ахир вақт бешафқат – ҳаёт ғанимат. Сен ҳам, мен ҳам, ҳатто диний конгресслар ва ер юзи давлатлари раҳбарлари ҳам буни унутмасликлари зарур. Мана, нефт билан заҳарланган денгизлар, радиоактив тўлқинлар қирғоққа чиқариб ташлаган делфинлар, кислота ёмғирлари. Буларнинг барчаси бизнинг – одамларнинг қилмиши. Шунинг учун сув ҳам гоҳ дарё ва денгизлардан қочиб, гоҳо шаҳар ва қишлоқларни ғарқ этиб, исён кўтармоқда.

\* \* \*

“Сув – бу ҳаёт” - бу баландпарвоз шиор эмас, балки сокингина, аммо чин ҳақиқат. Ахир биз илгари тип-тиниқ Салордан қамиш дастали қармоқлар билан кумушдек хонбалиқ (маринка)ларни овлардик. Балиқ шунақаям зўр эдики. Бу гапни мен тасодифан ушбу сатрларимни ўқиб қолиши мумкин бўлган ёшларга қарата айтаяпман. Бу балиқ Салорда бор эди, ҳа бор эди. Салор тўлиб тошиб оқарди. Биз футбол ўйнаб қизиб кетганимиздан сўнг ётиб олиб сув ичадиган ариқларчи? Бу ариқлар бетон ўзансиз ҳам булоқдек мусаффо ва тоза эди. Биз юзимизни ариқ сувига ботирганимизда эса, митти-митти балиқчалар ҳар ёнга қараб сузиб қочарди. Ҳамма ҳар баҳорда бу ариқларни тозалашга чиқар-

ди. Турли белкураклар, паншахалар, кетмонлар билан ариқ казирдик. Ҳеч ким мажбурламасдан, илтимос қилмасдан бажарар эдик бу ишни.

\* \* \*

Чиғирнинг камалаклари, тушлари тугади. Энди ишга. Уйқудан уйғонган ғилдирак секин айлана бошлайди. Ёғоч новга тушларнинг қолдиғи каби томчилар томчилайди. Улар ҳамон камалак тусда.

Ниначининг шаффоф қанотлари. Улар қирғокдаги гиёҳлар узра тек қотади. Катта ариқ тўлиб сув оқади.

Худоё худовандо, насибамизни зиёда қилгин. Сувимиз ҳамиша мўл бўлсин. Ўғил-қизлар доимо чиғир ёнида турсин.

Рус тилидан Рустам Мусурмон таржимаси.

*“Ўзбекистон адабиёти ва санъати”  
газетасининг 2006 йил 13 октябрь сонидан  
қисқартириб олинди.*

**Сув қадрини тарғиб қилиш, уни эъзозлаш мақсадида  
ўтказилиши мумкин бўлган тадбирларнинг методик  
ишланмаси**

**Сувсиз ҳаёт бўлмас**

(Билимдонлар беллашувини ташкил қилишга тавсиялар)

Беллашув ўтказишдан олдин фаол китобхонлардан 2 та билимдонлар гуруҳи тузилади. Ҳар бир гуруҳ 8 ёки 10 нафар китобхондан ташкил топади. Беллашув ташкилотчилари билимдонларга бериладиган саволларни тузиб чиқадилар. Кутубхонада бериладиган саволларга доир адабиётлар ва вақтли матбуотларда босилган манбалар тайёр туриши керак. Беллашувга тайёрланиш жараёнида қатнашувчилар ўша манбаларни пухта ўқиб чиқишлари зарур.

Кўшимча тарзда Интернетда сув ҳақидаги маълумотлар билан танишишлари тавсия этилади.

Беллашувга қўйиладиган саволлардан намуналар келтирамиз. Шунга қараб билимдонлар қандай адабиёт ва манбалардан фойдаланишлари кераклигини билиб оладилар.

1. Дунёда “Бутунжаҳон сув куни” қачон нишонланади?

(Дунёда ҳар йилнинг 22 марти “Бутунжаҳон сув куни” сифатида нишонланади).

2. Ўзбекистон Республикасининг “Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида”ги қонуни қачон қабул қилинган?

(1993 йил 6 майда).

3. Сув қандай ўлчов бирлигида ўлчанади?

(Сув куб метрда ўлчанади).

4. 1 куб метр сув неча литр бўлади?

(1 куб метр сув 1000 литр бўлади).

5. Инсон танасининг неча фоизи сувдан иборат?

(Инсон танасининг 70 фоизи сувдан иборат).

6. Сайёрамиздаги қайси қатламни сувли қатлам дейилади?

(Гидросферани сувли қатлам дейилади).

7. Ўзбекистон Республикасида “Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида” қонундан ташқари, яна қайси қонун ҳужжатларида сув ресурсларига оид моддалар бор?

(Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси (55-моддаси)да, Ўзбекистон Республикасининг “Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги қонун (19-моддаси) да.

8. Олимлар қайси сайёрада сув борлигини аниқладилар?

(Марс сайёрасида).

9. Авестода сув худоси қандай номлар билан аталади?

(Авестода сув худоси Напам Апат ёки Апам Напат номлари билан аталади).

10. Ўзбекистондаги энг йирик сув омборлари қайси-лар?

(Ўзбекистондаги энг йирик сув омборлари – Қайроққум, Каттакўрғон, Туямўйин, Чордара ва Жанубий Сурхондир).

11. Атмосферада сув қайси ҳолатда бўлади?

(Атмосферада сув – буғ, туман, булут, ёмғир, қор ҳолатида бўлади).

12. Сувни хлорлаш биринчи марта қайси йили амалга оширилган?

(Сувни хлорлаш биринчи марта 1910 йилда амалга оширилган).

13. Ўзбекистонда ким сув эгаси бўлиши мумкин?

(Ўзбекистон ҳудудида давлатдан бошқа ҳеч ким сув эгаси бўлиши мумкин эмас. Ўзбекистонда сув давлат мулки, умуммиллий бойлик ҳисобланади. Сув объектлари аҳолига, муассаса ва ташкилотларга фақат фойдаланиш учун берилади).

14. Ичимлик суви сифатини қайси вазирлик назорат қилади?

(Ичимлик суви сифатини Соғлиқни сақлаш вазирлиги назорат қилади).

15. Ўзбекистондаги сув ресурсларининг неча фоизи суғорма деҳқончиликда сарфланади?

(Ўзбекистондаги сув ресурсларининг 90 фоизи суғорма деҳқончиликда сарфланади).

16. БМТ томонидан 2005-2015 йиллар қандай ўн йиллик деб эълон қилинган?

(БМТ томонидан 2005-2015 йиллар “Сув - ҳаёт учун” ўн йиллиги деб эълон қилинган).

17. Ўлчами ва йиғилган сув ҳажми жиҳатидан, сув омборлари Ўзбекистондаги табиий сув ҳавзаларидан ортиқми ёки кам?

(Ўлчами ва йиғилган сув ҳажми жиҳатидан, сув омборлари Ўзбекистондаги табиий сув хавзаларидан бир неча баробар ортиқ).

18. Россиядаги энг йирик сув омбори қайси?

(Россиядаги “Братск” энг йирик сув омбори ҳисобланади).

19. Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академиясининг Сув муаммолари институти қачон ташкил этилган ва қаерда жойлашган?

(ЎзР ФА Сув муаммолари илмий тадқиқот институти 1991 йил 20 июлда ташкил этилган. Тошкент шаҳрида жойлашган).

20. Ўсимликлар таркибининг неча фоизи сувдан иборат?

(Ўсимликлар таркибининг 90-93 фоизи сувдан иборат).

21. Республикамизда нечта соғломлаштирувчи минерал сув манбалари бор?

(Гидрогеологик изланишлар шуни кўрсатмоқдаки, ҳозир кунда Республикамизда 300 дан зиёд соғломлаштирувчи минерал сув манбалари бор).

### **“Сув – ҳаётимиз манбаи” номли китоб-суратли кўرғазмани ташкил этиш учун материаллар**

Таклиф этилаётган китоб кўрғазмаси кутубхонада ўтказиладиган барча турдаги тадбирларни тўлдиради.

Кўрғазма 3 ёки 4 бўлимдан иборат бўлиши мумкин.

#### **1. Матбуот саҳифаларида сув...**

Бу бўлимга сувга доир газета ва журнал мақолалари қўйилади.

#### **2. Ҳар заррада етук ҳикмат мужассам**

Бу бўлимга сувни тежаш, исроф қилмаслик, уни эъзозлаш ақс эттирилган диний-маърифий, дидактик мазмундаги нашрлар қўйилади.

### **3. Қонун нима дейди?**

Бу бўлимга Ўзбекистон Республикасининг сувга доир қонун тўпламлари, қарорлари ақс эттирилган нашрлар қўйилади.

### **4. Н<sub>2</sub>О менинг нигоҳимда**

Бу бўлимга рассом ва фоторассомларнинг фаввора, кўл, булок, шаршара, денгиз, дарё сувларини ақс эттирган ижод намуналари қўйилади.

## **Кутубхоналарда ўтказилиши мумкин бўлган тадбирлар туркуми**

### **Савол-жавоб кечаси**

1. Сувни қаердан оламиз?
2. Сувнинг уволи борми?
3. Сувдан фойдаланишни биласизми?
4. Тоза сув танқисми?

### **Давра суҳбати**

1. Ноёб ва нодир бойлик.
2. Аждодларимиз ўгити.
3. Сув олтиндан азиз.
4. Сувга ёмонлик қилма.
5. Тарихда сув...

### **Мавзули кеча**

1. Сув зар.
2. Ер ҳаёти сув билан.
3. Минерал сув – шифобахш эрур.
4. Хор қилсанг зор бўласан.

### **Китобхонлар конференцияси**

1. Башарият ва сув.
2. Келажак ва сув.
3. Маънавий юксаклик омили.

### **Мунозара кечаси**

1. Сувсиз ерга куш кўнмас.
2. Тоза сув умрга даво.
3. Сув сарфи.
4. Сувга ҳурматсизлик, онага ҳурматсизлик билан баробар.

### **Бадий мусиқий кеча**

1. Сув – бебаҳо бойлик.
2. Сувнинг қатраси – офтобнинг зарраси.
3. Сув бор жойда – ҳаёт бор.

### **Қатнашувчилар:**

Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги (ер усти сувлари) вакиллари.

Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси (сувларнинг ифлосланганлик даражасини аниқлаш ва муҳофаза қилиш) ходимлари.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги (ичимлик суви сифати бўйича) ходимлари.

Геология ва минерал ресурслар давлат қўмитаси (ер ости сувлари) ходимлари.

Дин вакиллари, журналистлар, тиббиёт ходимлари, кенг китобхонлар оммаси.

## **“Сувнинг қатраси – офтобнинг зарраси” мавзусида бадий тематик кеча сценарийси**

Кутубхонанинг ёки бирор бир ташкилотнинг зали ушбу тадбирга монанд безатилади.

Тадбир ўтказилаётган залда “Сув ва инсон”, “Сув тириклигимиз манбаи” номли китоб кўргазмалари ташкил этилади. Унга сув мавзуси ақс этган китоблар, газета ва журнал мақолалари қўйилади.

Қуйидаги тадбир сценарийсидан ҳар бир ташкилот ўзларига мослаб фойдаланишлари мумкин.

Кечанинг бошловчилари сахнага бирон-бир куй остида чиқиб келадилар.

*1-бошловчи:* Ассалому алайкум, тадбиримизга ташриф буюрган азиз меҳмонлар! Бугунги кечамизга хуш келибсиз!

*2-бошловчи:* Ассалому алайкум кечамизнинг меҳмону иштирокчилари!

*1-бошловчи:* Бугун биз сизларнинг эътиборингизга, ҳозирги кунда азиз манба, тириклигимиз гарови бўлган, бора-бора кадрлашни, тежаб тергашни талаб қилиб бораётган сувга дунё бўйича нишонланадиган 22 март “Бутунжаҳон сув” кунига бағишлаб “Сувнинг қатраси – офтобнинг зарраси” деб номланган тематик бадий кечани тақдим этамиз. Марҳамат, кечамиздан баҳраманд бўлинг.

*(Куй янграйди. Сахнага ҳаворанг либос кийган раққосалар чиқиб келадилар. Улар сувни, дарёни ёки фавворани ифодаловчи рақс ижро этадилар).*

*2-бошловчи:* Азизбек, айтингчи ер юзининг неча фоизи сув билан қопланган?

*1-бошловчи:* Эй буни ким билмайди. Ер шарининг тўртдан уч қисми сувдан иборат.

*2-бошловчи:* Бўлмаса айтингчи, шу сувларнинг ҳаммаси ичишга яроқлими?

*1-бошловчи:* Йўқ яроқли эмас.

*2-бошловчи:* Гидросфера нима?

*1-бошловчи:* Оббо, бу қиз намунча савол беришни яхши кўради. Жуда ҳам қизиқувчансизда Лола. Ҳамма нарсани билсам дейсиз.

*2-бошловчи:* Буларни нафақат мен балки барча томошабинлар билмоқчи.

*1-бошловчи:* Ундай бўлса навбатни кечамизда иштирок этаётган талабалардан бирига, география фанини севувчи китобхонимизга берамиз. Марҳамат.

*(Китобхон Ер юзидаги ва Ўзбекистондаги сув ресурслари, сув омборлари, тоза ичимлик суви ҳақидаги маълумотларни гапириши мумкин).*

*2-бошловчи:* Раҳмат. Сизнинг ўқиш ва ишларингизга муваффақият тилаймиз.

*1-бошловчи:* Лола, келинг энди навбатни санъаткорларимизга берсак, марҳамат.

*(Кўшиқ янграйди).*

*2-бошловчи:* Биласизми Азизбек! Шарқ файласуфларининг таъкидлашларига кўра, одам тўрт унсурдан – сув, ҳаво, тупроқ ва оловдан бунёд бўлган. Файласуфлар ўша тўрт унсур ҳақида фикр юритганларида биринчи ўринда сувни санайдилар.

*1-бошловчи:* Қадим замонлардаёқ ота-боболаримиз сув қадрини, тирикликнинг асосий манбаи сув эканлигини яхши билишган. Сув илмини, ерларни суғоришни айниқса мироблар, муҳандислар яхши англаб етган, шунинг учун ҳам халқимиз, “сув-зар, сувчи-заргар”. Яна... сув...

*2-бошловчи:* Бўлди, бўлди. Азизбек, қолганини кечамизда иштирок этаётган талабалардан эшитамиз, марҳамат.

*(Саҳнага 5 ёки 6 талаба чиқиб сувга оид мақолларни айтиб берадилар).*

*2-бошловчи:* Азизбек, айтингчи, сизнинг машинангиз борми?

*1-бошловчи:* Машинамми...? Йўқ, менинг машинам йўқ. Уйимиздаги машина дадамники. Нимага сизни бу нарса кизиқтириб қолди?

*2-бошловчи:* Шу... дадангизнинг машинасини сиз ювасизми?

*1-бошловчи:* Ҳа, мен юваман.

*2-бошловчи:* Маза қилиб шлангдан сувни ҳар томонга сочиб ювсангиз керак, тўғри топдимми? (*гапида кесатиқ оҳанги бўлади*).

*1-бошловчи:* Йўқ. Нималар деяпсиз, қанақа шланг? Мен машинани шлангда ювмайман. Бунақа ювсам қанча сув бекорга исроф бўлади-ку. Кейин уйимиздаги сувга ҳисоблагич аппарат ҳам ўрнатилган...

*2-бошловчи:* Ҳа... шунинг учун сувни тежар экансизда.

*1-бошловчи:* Шунинг учун ҳам. Ундан кейин бувим доимо барчамизга “Ноннинг ушоғи ҳам нон” бўлганидек “Сувнинг томчиси ҳам сув”, сувни тежаб ишлатинглар, дейдилар.

*2-бошловчи:* *Сув бор жойда, бордир ҳаёт  
Уни тежа, қил эҳтиёт,  
Билгин ердек сайёрада  
Ёлғиз эмасдир одамзод.*

Келинг энди навбатни сув ҳақида, унинг уволи ва асраш ҳақида кўплаб мақолалар ёзган моҳир журналист .....га берсак. Марҳамат.

*(Журналист сув ҳақидаги ўз мулоҳазаларини билдиради).*

*1-бошловчи:* Раҳмат. Ўйлайманки, барчамиз ушбу мулоҳазалардан керакли хулосани чиқарамиз.

*2-бошловчи:* Энди навбатни талабаларга берсак, улар бугунги кечамизга сахна кўринишини тайёрлаб келишган экан. Марҳамат.

*(Сахна кўриниши, сценарий охирида берилган).*

*2-бошловчи:* Раҳмат.

*1-бошловчи:* Reviewss компаниясининг маълумотларига кўра Ўзбекистонда биринчи қадоқланган “Тошкент” суви 1952 йилда ишлаб чиқарила бошланган.

*2-бошловчи:* Ҳозирги кунда Республикамизда 300 дан зиёд соғломлаштирувчи минерал сув манбалари бор. Уларнинг 100 дам олиш масканлари ташкил этилган бўлиб, улар асосан тоғ ва тоғ олди ҳудудларида жойлашган.

*1-бошловчи:* Келинг, навбатни тиббиёт ходими .....га берсак. Улар бизга минерал сувларнинг шифобахш хусусиятлари тўғрисида маълумот берсалар. Марҳамат.

*1-бошловчи:* Раҳмат. Сизнинг келгуси ишларингизга ривож тилаймиз. Мана, кечамиз ҳам ниҳоясига етиб қолди.

*(Саҳнанинг бир четидан 2-бошловчи чиқиб келади).*

*2-бошловчи:* Тўхтанг, тўхтанг! “Эврика” қолиб кетмасин.

*1-бошловчи:* Ҳали “Эврика” борку. Ҳозир томошабинлар орасида “Эврика” деб номланган совғали ўйин ўтказамиз.

*(Бошловчиларга муҳрланган учта конверт олиб чиқадилар. Бошловчилар йиғилганларни ўйин шарти билан таништирадилар. Ўйин шартига кўра 1-конвертдаги савол ўқиб берилади. Конвертда саволнинг жавоби ҳам бўлади. Томошабинлар орасида ким ушбу саволга жавоб топса “Эврика” деб қўлини кўтаради ва жавобни айтади. Жавоб тўғри бўлса 3 та совғадан бирига эга бўлади. Кейинги саволлар ҳам шу тарзда ўйналади).*

*1-бошловчи:* Ҳурматли китобхонлар! Биз бугунги кечамизда ҳаммамиз кунига бир неча марта фойдаланадиган,

истеъмол қиладиган, тириклигимиз шарти бўлган, бебаҳо неъмат – сув ҳақида гаплашдик.

*2-бошловчи:* Бугун кўпчилигимиз ҳозиргача эътибор билан қарамаган сувнинг қадр-қимматини яна бир бор ҳис қилдик. Ўйлайманки, ушбу тадбиримиз бизга шу азиз неъмат – сувни асраб-авайлашни яна бир бор уқтирди, эслатди. Мана кечамиз ҳам ниҳоялаб бормоқда.

Кечамизни ёпиш учун якуний сўзни кеча ташкилотчиси .....га берамиз. Марҳамат.

(Саҳна кўриниши)

*(Саҳнанинг ўртасида стол ва икки стул қўйилган. Саҳнанинг четидан буви чиқиб келади. Қўлидаги тоғорачада гуручми, мош. Буви стулга бориб ўтиради ва гуручни тозалай бошлайди. Бироз вақт ўтгач саҳнанинг бир четидан невара (йигит) шошиб чиқиб келади ва индамай саҳнанинг иккинчи четига ўтиб кетаётганда, бувиси тўхтади).*

*Буви:* Фарходжон, болам, ёв қувдими, қаёққа шошиб кетаяпсан?

*Невара:* Бозорчага чиқиб, тарвуз олиб келай.

*Буви:* Ҳа, майли, борақол. Тез келгин, хўпми?

*Невара:* Хўп, тезда қайтаман.

*(Буви озгина вақт ишини давом эттиради, сўнгра туриб саҳнадан чиқиб кетади ва қўлида радио билан қайтиб келади. У радиони стол устига қўяди. Радиодан қўшиқ янграйди. Буви яна ишини давом эттиради. Шу пайт невара қўлида тарвуз билан қайтиб келади. Невара радио овозини пасайтиради).*

*Невара:* Мана буви, тарвуз олиб келдим. Жуда ширин бўлса керак (*бармоқлари билан тарвузни чертади*), овозини қаранг. Ўзим ҳам тарвуз танлашга устаманда. Сотувчи ҳам зўрини танладинг ука, деди (*дея мақтанади*).

*Буви:* Шунақа бўлса яхшику-я. Лекин тунов куни олиб келган тарвuzинг унча ширин чиқмади.

*Невара:* Ҳа энди баъзида бундайроғи ҳам учрайди-да. Майли бўлмаса мен тарвuzни водопровод тагига кўяй (*деб тарвuzни олиб, кета бошлайди*).

*Буви:* Шошма, шошма. Водопроводга дейсанми? Ҳойнаҳой сувни оқизиб кўйсанг керак!

*Невара:* Ҳа-да буви, тарвuzни оқиб турган сув тагига кўйсам тезда музлайди-қолади. Муздек тарвuzни ейиш мазза-да.

*Буви:* Маззага-мазза. Лекин битта тарвuzни муздек ейман деб бир дунё сувни увол қиласанми? Ахир билсанг Навоийнинг Фарҳоди тоғни тешиб сув чиқарган. Сен бўлсанг...

*Невара:* Нима, мен ҳам тоғни тешиб сув чиқарайми? (*билакларини букади*). Кучим кўп (*деб ҳазил қилади*).

*Буви:* Сен бола ҳазилингни кўй. Худога шукур, ҳозирги кунда бу иш билан шуғулланадиган ташкилотлар бор. Мен фақат сенга танбеҳ беряпман. Бу ишинг нотўғри эканлигини тушунтиряпман (*Невара стулда жимгина бувисини тинглаб ўтиради*).

Қадим ҳинд эртагида ривоят қилинишича мамлакат подшоси эрталаб туриб ювинаётиб ҳар томонга сувни сачратганча исроф қилади. Бу ҳолни кўриб турган ақлли вазири шундай дейди: “Подшоҳим, ўзингиз бир томчи сув пайдо қилолмасангиз, нега сувни бу қадар исроф қиласиз, сув ахир худонинг неъматини-ку”. Ушбу сўзлардан жаҳли чиққан подшоҳ “Менга ақл ўргатадиган сенми” дея вазирни саройдан қувди. Бироз вақт ўтгач, подшоҳ ақлли вазирисиз мамлакатни хароба ҳолга келтиради.

Сув яратувчи, сув яшнатувчидир. Вақти келиб охиратда увол қилинган ҳамма нарсанинг, жумладан, сувнинг ҳам ҳисоби бор. Оллоҳнинг “Қуръони карим”даги “Еб

ичинглар, фақат исроф қилманглар” – ояти бекорга нозил бўлмаган.

Энди, болам айтганларимдан тўғри хулоса чиқариб оларсан, исрофга йўл қўймасан?

*Невара:* Ҳа буви, йўл қўймайман. Бугундан бошлаб сувга бўлган муносабатимни тубдан ўзгартираман. Уни бекорга сарф қилмайман.

*Буви:* Баракалла, мана энди барчасини тушунибсан. Мен бундан жудаям хурсандман. Қани тарвузни кўтарчи. Олиб бориб челақдаги сувда музлатгин. Мен ҳам ишимни битирдим. Юрақол.

*(Буви қўлида тоғора, невара тарвуз билан саҳнани тарк этадилар).*

## Адабиётлар

Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида: Ўзбекистон Республикасининг қонуни 1993 й. 6 май //Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси.-1993.-№5.-Б.58-92.

\* \* \*

Авесто: Тарихий адабий ёдгорлик /Асқар Маҳкам тарж.-Т.: Шарқ, 2001.-284 б.

Сув ҳуқуқи: Олий ўқув юртларининг ҳуқуқшунослик мутахассислиги бўйича таълим олаётган талабалар учун /Ўзбекистон Респ. Адлия вазирлиги. Тошкент дав. юридик ин-ти.-Т.: ТДЮИ, 2004.-252 б.

Маънолар маҳзани /Ш.Шомақсудов, Ш.Шораҳмедов. - Т.: Ўзбекистон Миллий энциклопедияси, 2001.-448 б.

“Томчи сувда ҳаёт жилваси” лойиҳаси бўйича танлов: Ўқитувчилар у-н қўлл. /Э.Турдикулов, Жеймс Хайиндсон.-Т.: Маънавият, 2001.-32 б.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси: Ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг XI сессиясида 1992 йил 8 декабрда қабул қилинган (Ўзбекистон Респ. 1993 йил 28 декабрдаги киритилган ўзгаришлар билан). -Т.: Ўзбекистон, 2001.-38 б.

Ўзбекистон Республикаси: Энциклопедик маълумотнома /Т.Тўхлиев, А.Кременцова. - Т.: Ўзбекистон Миллий энциклопедияси, 2002.-226 б.

Ўзбекистон Миллий энциклопедияси, 8-жилд, Солнома-Тўйтепа /Таҳрир ҳайъати: А.Азизхўжаев, М.Аминов, Т.Даминов ва бошқ.-Т.: Ўзбекистон Миллий энциклопедияси, 2002.-704 б.

Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш асослари: Ўқув. қўлл. /П.С.Султонов, Б.П.Аҳмедов.-Т.: Ғ.Ғулом ном. нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2004.-232 б.

Қорабоев У. Ўзбек халқ байрамлари /Масъул муҳаррир Султонмурод Олим.-Т.: Шарқ, 2002.-240 б.

\* \* \*

Абдираимов И. Сувга... ёмонлик қилма! //Халқ сўзи.-2006.-29 июль

Абдуллахонов Р. Инсон ва сув сарфи //Жамият ва бошқарув.-2002.-№3.-Б.44-45.

Абдурахимов И. Сув илми ва бошқарув //Мулоқот.-2003.-№6.-Б.22-23.

Абдурахмон Абдулхамид ўғли. Сувнинг баҳоси борми? //Маърифат.-2000.-8 июль

Абдурахмон Абдулхамид ўғли. Сувнинг томчиси ҳам сув [Сувни тежаш, поклигини, сифатини саклаш, исроф қилмаслик савоблари ҳақида] //Хуррият.-2000.-29 нояб.

Бобомухамедов Р. Зомин булоқлари, зилол булоқлар //Қишлоқ ҳаёти.-1999.-25 май.

Боқиев М. Қирғоқ ҳимояси ва экология: [Сув ва экология муаммолари] //Мулоқот.-2003.-№6.-Б.41.

Исомиддинов З. Сув – гавҳар зилол //Ўзбекистон овози.-2000.-8 март.

Каримов А. Авлодлар насибаси кемтик бўлмасин //Қишлоқ ҳаёти.-2006.-22 авг.

Комилжонов М. Дилга ором бахш этар фавворалар //Тошкент оқшоми.-2006.-15 авг.

Мелибоев А. Сув мўлми? //Ўзбекистон адабиёти ва санъати.-2006.-31 март.

Мўминов С. Сув манбалари муҳофазаси: муаммолар ва ечимлар //Экология хабарномаси.-1997.-№1-2.-Б.28-29.

Норматов И. Насибангиз бутун бўлсин //Халқ сўзи.-2006.-16 июнь.

Сиддиқов Ҳ. Ер хазина, сув гавҳар. Масъулият //Қишлоқ ҳаёти.-2000.-7 июль.

Султонов Д. Сув ҳаёт манбаи: [Табиатда сувнинг хусусияти ҳақида] //Тошкент оқшоми.-2002.-29 июль.

Султонов Д. Сув ҳаёт манбаи: [Экология ҳақида] //Тошкент оқшоми.-2003.-26 март.

Тошланов Т., Қаюмов Ў. Ёшлар ва экологик тарбия масалалари [Социологик таҳлил асосида] //Ижтимоий фикр. Инсон ҳуқуқлари.- 2005.-№4.-Б.72-75.

Тўлаев Х. “Чиллабулок” чин даво //Қишлоқ ҳаёти.- 2000.-21 июл.

Файнберг Александр. Чигирнинг тушлари /Гарж. Рустам Мусурмон //Ўзбекистон адабиёти ва санъати.-2006.- 13 окт.

Ҳабибуллаев А. Сув – ҳаёт манбаи уни асраш ҳаммамизнинг бурчимиз //Тошкент оқшоми.-2002.-13 май.

Ҳайит Тўлқин. Ҳар бир яхши ёмоннинг жавоби бўлади //Ўзбекистон овози.-2003.-31 май.

Ҳотамов А. Инсон ва сув //Мулоқот.-2003.-№6.-Б.24.

## Мундарижа

Муқаддима	3
Инсон ва сув	4
Тома-тома кўл бўлур	7
Биласизми?	10
Ҳоҳ ишонинг, ҳоҳ ишонманг	11
Тарих доно муаллим	13
Ўзбек халқ мақолларидан	14
Ўзбекистон Миллий энциклопедияси саҳифалари сув ҳақида	15
Чиғирнинг тушлари	17
Билимдонлар беллашувини ташкил қилишга тавсиялар	20
Китоб-суратли кўргазмани ташкил этиш учун материаллар	23
Кутубхоналарда ўтказиш мумкин бўлган тадбирлар туркуми	24
Бадий тематик кеча сценарийси	26
Адабиётлар	33

Босишга рухсат этилди 2006 йил 24 Ноябрь  
Бичими 60x84 <sup>1</sup>/<sub>16</sub> нашр. т. 2, 25 Адади 300 нусха.  
Буюртма №

---

Тошкент, Ҳ.Сулаймонова кўчаси, 33. Алишер Навоий  
номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси босмахонасида  
чоп этилди